

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

ПРЕСС-РЕЛИЗ

*“Аграр соҳада хорижий инвестициялар – барқарор ривожланиш омили” мавзусидаги матбуот анжумани*

12 февраль 2016 йил

**Матбуот анжуманининг мақсади.** Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

Матбуот анжуманига вазирликнинг раҳбар ва мутахассислари, хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар менежерлари, мутасадди ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинган. Матбуот анжуманини Ахборот-таҳлил ва Матбуот хизмати бошлиғи М.Ибрагимов олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати ва лойиҳаларни амалга ошириш мониторинги бошқармаси бошлиғи Б.Жумабоев, Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳалар мониторинги бошқармаси бошлиғи А.Намозов ахборот берди.

**Айрим далиллар ва рақамлар:**

Республикаимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда қишлоқ ва сув хўжалигида самарадорликни янада ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли бандлигини ва турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ҳам мамлакатимизнинг салоҳияти, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида қатор халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг маблағлари кенг жалб этилмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатимизнинг аграр соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, инфратузилма объектларини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, истеъмолчиларни сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида халқаро молиявий институтларнинг маблағларини жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида бир қатор лойиҳалар бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳи ва ва қатор донор мамлакатларнинг маблағлари иштирокида ҳукуматимиз кафолати остида «Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш», «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш.

II-босқич», «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожланишини қўллаб-қувватлаш», «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш», «Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш», «Фарғона водийларида сув ресурсларини бошқариш лойиҳаси. Фаза-1», «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш», «Навоий вилоятидаги «Навоий» ва «Учкара» насос станцияларини реконструкция қилиш», «Андижон вилоятидаги «Асака-Адир» насос станциясини реконструкция қилиш», «Наманган вилоятидаги «Кукумбай» насос станциясини реконструкция қилиш» каби лойиҳалар амалга оширилаётир.

Таъкидлаш жоизки, 2003-2015 йиллар мобайнида хорижий давлатлар кредит ва грант маблағлари ҳисобидан умумий кредит қиймати 1310 млн. АҚШ долларидек 36 та инвестицион лойиҳа доирасида 582 млн. долларлик ишлар бажарилиб, 1635 тадан ортиқ ҳар хил гидротехник иншоотлар, 262 км узунликда суғориш тармоқлари қурилди, 274 км хўжаликлараро коллекторлар, 745 км ички хўжалик коллекторлар ва 553 км ёпиқ ётиқ дренажлар реконструкция қилинди, 1174 га майдонда лазерли теккислаш ишлари амалга оширилди, 264 та экскаватор, 51 та бульдозер, 8 та земснаряд, 4 та гидротрубина, 56 дона йирик насос агрегатлари олиб келинди.

Шунингдек, 800 га яқин фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига 75 млн АҚШ долларида зид имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши натижасида 1500 гектардан зид интенсив боғ ва узумзорлар барпоэтилди, 200 гектардан зид иссиқхоналар қурилди, умумий ҳажми 5000 тоннадан зид бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш цехлари ишга туширилди, умумий сифими 25 минг тоннадан зид бўлган музлаткичли омборхоналар фойдаланишга топширилди ҳамда мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди.

Кейинги беш йилда хорижий инвестициялар ҳисобидан бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди: «Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш», «Аму-Занг машина канали тизимини қайта тиклаш», Бухоро вилояти «Қуйи-Мозор насос станциясини қайта тиклаш», «Қорақўл асосий» ва «Қорақўл ёрдамчи» насос станцияларини қайта тиклаш учун насос ускуналари сотиб олиш», «Олот-асосий» насос станциясини қуриш ва «Олот-ёрдамчи» насос станциясини реабилитация қилиш», «Фарғона ва Зарафшон водийлари сув ресурсларини бошқариш», «Андижон вилоятидаги «Улуғнор», «Раиш-Хакент-1» ва «Гулбаҳор-1К» насос станцияларни қайта тиклаш», «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш» лойиҳалари шулар сирасидандир. Ушбу лойиҳалар доирасида 632,2 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолати яхшиланиб, 450,2 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти кафолатланди.

Умуман олганда, мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда. Кейинги йилларда ҳар гектардан олинadиган ҳосилдорлик пахтачиликда ўртача 2-3 центнер, ғаллачиликда эса 3-4 центнерга ошгани эътиборга моликдир.

#### **Қўшимча маълумотлар учун:**


Лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати ва лойиҳаларни амалга ошириш мониторинги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Усанов. тел.: 241-39-71

Хорижий инвестициялар сектори бошлиғи: Ш.Каримов. тел.: 241-23-51

Ахборот-таҳлил ва Матбуот хизмати Матбуот котиби: О.Норбеков. тел.: 239-17-81

---

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Ахборот хизмати [www.agro.uz](http://www.agro.uz) e-mail:[info@agro.uz](mailto:info@agro.uz) tel: 239 16 41



Министерство сельского и водного хозяйства  
Республики Узбекистан

**ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**Тема пресс-конференции: «Факторы стабильного развития – иностранных инвестиции аграрном секторе»**

**12 февраля 2016 года**

**Цель пресс-конференции.** Доведение до общественности через средства массовой информации о целях и задачах, а также выполняемых работах с участием иностранных инвестиций, согласно Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-2264 от 17 ноября 2014 г. «Об Инвестиционной программе Республики Узбекистан на 2015 год».

На пресс-конференцию приглашены представители средств массовой информации, ответственные сотрудники, менеджеры проектов по реализуемым проектам с участием иностранных инвестиций, специалисты и руководители министерства. Пресс-конференции будет вести начальник информационно-аналитического отдела и Пресс-службы М.Ибрагимов.

По вопросам повестки дня будут отчитываться начальник управления качества проектно-сметной документации и мониторинга реализации проектов Б.Джумабоев и начальник управления привлечения иностранных инвестиций и мониторинга проектов А.Намазов.

***Некоторые факты и цифры:***

Под руководством Президента Республики И.Каримова в целях повышения эффективности проводимых последовательных реформ в сельском и водном хозяйстве, уделяется особое внимание по созданию новых рабочих мест для увеличения занятости населения и повышения уровня жизни, посредством привлечения иностранных инвестиций в данный сектор

В настоящее время в структуре министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан для повышения конкурентоспособности экономики и имеющего значения для развития потенциала страны реализуются стратегически важные инвестиционные проекты, широко привлекаются средства Международных финансовых институтов и иностранных государственных правительственных организаций.

По инициативе руководителя нашей страны и под его непосредственным руководством для развития аграрного сектора, уделяется особое внимание на привлечение средств международных финансовых институтов. В целях гарантированного обеспечения пользователей воды, уделяется особое внимание на улучшение деятельности сельскохозяйственных предприятий, объектов инфраструктуры и на мелиоративное состояние орошаемых земель.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2264 от 17 ноября 2014 г. «Об Инвестиционной программе Республики Узбекистан на 2015 год» в структуре министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан реализуются ряд инвестиционных проектов.

«Улучшение мелиоративного состояния земель в Бухарской, Навоинской и Кашкадарьинской областей», «Поддержка сельскохозяйственных предприятий. Фаза-2», «Поддержка развитие Плодоовощного сектора Республики Узбекистан», «Управление

водными ресурсами Ферганской и Зарафшанской долинах», «Управление водными ресурсами в Ферганской долине. Фаза-1», «Восстановление ирригационной сети и дренажной системы в Джизакской и Сырдарьинской областях», «Реконструкция насосных станций «Навои» и «Учкара» в Навоийской области», «Реконструкция насосной станции «Асака-Адир» в Андижанской области», «Реконструкция насосной станции «Раиш-Хакент-2» в Андижанской области», «Реконструкция насосной станции «Кукумбай» в Наманганской области», «Реконструкция насосной станции «Касаба» в Навоийской области», «Реабилитация магистральных оросительных каналов Ташсакинской системы Хорезмской области», «Реабилитация системы Аму-Бухарского машинного канала» и «Улучшение управления водными ресурсами в Южном Каракалпакстане» реализуются проекты под гарантию Правительства с участием Всемирного банка, Азиатского банка развития, Исламского банка развития, Арабской координационной группы и ряда стран доноров.

Необходимо отметить, что в период с 2003 по 2015 годы за счет средств иностранных государственных кредитов и грантовых средств, (общая сумма кредита 1310 млн. долл. США) в рамках 36 инвестиционных проектов выполнены работы на 582 млн. долл. США. Было построено более 1635 гидротехнических сооружений, построены оросительные системы протяженностью 262 км.

Было реконструировано 274 км межхозяйственных коллекторов, 745 км внутрихозяйственных коллекторов, 553 км закрытых дренажных систем и была проведена лазерная планировка на площади 1174 га, и закуплены 264 шт. экскаваторов, 51 шт. бульдозеров, 8 шт. земснарядов, 4 шт. гидротрубины 56 шт. крупных насосных агрегатов.

В том числе за последние 5 лет, за счет иностранных инвестиций были реализованы следующие инвестиционные проекты: «Дренажный проект Узбекистан. Проект отвода дренажа из Южного Каракалпакстана», «Реабилитация системы машинного канала Аму-Занг», «Реабилитация насосной станции «Кую-Мазар» в Бухарской области», «Приобретение насосного оборудования для реконструкции насосной станции «Каракуль» в Бухарской области», «Строительство насосной станции «Алат основная» и реабилитация насосной станции «Алат вспомогательная» в Бухарской области», «Управление водными ресурсами в Ферганской и Зарафшанской долинах», «Реабилитация насосной станции «Улугнар», «Раиш-Хакент-1» и «Гулбахор-1К» в Андижанской области», «Восстановление ирригационной сети и дренажной системы в Джизакской и Сырдарьинской областях» и «Поддержка сельскохозяйственных предприятий. Фаза II».

В рамках вышеуказанных проектов было улучшено мелиоративное состояние орошаемой земли на 632,2 тыс. га и обеспечена гарантирована подача воды на орошаемые земли площадью на 450 тыс. га.

Обобщая вышесказанное, по итогам проводимых широких реформ в аграрном секторе, повышено качество и урожайность выращиваемых сельскохозяйственных культур. Необходимо отметить что в последние годы повышена урожайность с гектара земли в среднем в хлопководстве на 2-3 центнера, и в зерноводстве на 3-4 центнера.

***Для подробной информации обращаться:***

Заместитель начальник управления качества проектно-сметной документации и мониторинга реализации проектов В.Усанов. тел.: 241-39-71.

Начальник сектора иностранных инвестиций: Ш.Каримов. тел.: 241-23-51

Пресс-секретарь информационной службы О.Норбеков. тел: 239-17-81

Информационное служба Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан  
[www.agro.uz](http://www.agro.uz) e-mail:[info@agro.uz](mailto:info@agro.uz) tel: 239 16 41